# ШАРОФ РАШИДОВИЧ РАШИДОВНИ ДАФН ЭТИШ МАРОСИМИ

(Боши биринчи бетда).

ишга ижодий муносабатда бўлинмоқда. Бунда эса Шароф Рашидович Рашидовнинг хизмати ғоят каттадир. Партия сиёсатини муваффақиятли равишда амалга ошириш учун курашга одамларни илҳомлантириш ва уюштириш, кадрларни йўналтириш — энг сўнгги дамларгача унинг ҳаётининг мазмунини ташкил этган эди.

Шароф Рашидович Рашидов катта партиявий ва давлат фаолиятини публицистик ва адабий иш билан моҳирона қўшиб олиб борди. У йирик совет ёзувчиси, кенг кўламда маълум бўлган романларнинг, адабиёт, интернационал тарбия ва халқлар дўстлиги актуал проблемаларига доир фундаментал асарларнинг авторидир. У тинчликни мустаҳкамлаш, СССРнинг бошқа давлатлар билан, айниқса Осиё, Африка ва Лотин Америкаси давлатлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлигини ривожлантириш учун кўп иш қилди, илғор халқаро ташкилотларнинг фаолиятига актив кўмаклашди. Коммунистик партия ишига астойдил содиқлик, партия сиёсатини амалга оширишда ирода ва қатъият, ғоявий эътиқод ва принципиаллик, социалистик интернационализм — ҳамиша ва ҳар ишда Шароф Рашидовичга мана шундай хусусиятлар хос бўлиб, булар бизнинг унутилмас дўстимиз ва ўртоғимизнинг ажойиб фазилатлари эди. Шахсий камтарлик, кишиларга меҳрибонлик ва эътибор билан муносабатда бўлиш унга хос сифатлар эди. Мана шуларнинг ҳаммаси уни меҳнаткашларнинг ялпи иззат-ҳурмати ва меҳр-муҳаббатига, партиямиз ва мамлакатимизда муносиб обрў-эътиборга сазовор қилди.

Шароф Рашидович Рашидов партия XXII съездидан буён унинг Марказий Комитети аъзоси, 1961 йилдан — КПСС Марказий Комитети Президиум аъзолигига кандидат, 1966 йилдан буён эса, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат эди. У учинчи — ўнинчи чақириқлар СССР Олий Советининг депутати қилиб сайланди.

Ватан унинг фаолиятини юксак баҳолади. Коммунистик партия ва Совет давлати олдидаги ғоят катта хизматлари, республика экономикаси, фани ва маданиятини ривожлантиришга қўшган катта ҳиссаси учун Шароф Рашидович Социалистик Меҳнат Қаҳрамони юксак унвонига икки марта сазовор бўлди, ўн марта Ленин ордени билан, Октябрь Революцияси, Меҳнат Қизил Байроқ орденлари, иккита Қизил Юлдуз ордени, «Ҳурмат Белгиси» ордени ва кўпгина медаллар билан мукофотланди. Унга Ленин мукофоти лауреати унвони берилган.

Биз Шароф Рашидович билан чуқур қайғуриб видолашмоқдамиз. Марҳумнинг қариндош-уруғлари ва яқин кишиларига, унинг барча дўстлари ва сафдошларига ғоят самимий ҳамдардлик туйғуларини изҳор этамиз.

Ўзининг бутун ҳаётини Коммунистик партия ишига, Улуғ Ватанимизга бағишлаган Шароф Рашидович Рашидовнинг порлоқ хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

Алвидо, азиз дўстимиз ва ўртоғимиз!

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари Т. Н. Осетров сўзга чиқади.

## Т. Н. ОСЕТРОВ нутқи

Ўртоқлар!

Қалбларимиз чексиз қайғу-алам билан тўлиб тошган. Республика партия ташкилоти, Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашлари ғоят оғир жудоликка учрадилар.

Сафдошимиз, дўстимиз ва ўртоғимиз, йирик ташкилотчи ва истеъдодли раҳбар, дилкаш ва самимий инсон Шароф Рашидович Рашидов орамизда йўқлигини англаш мушкулдир.

Шароф Рашидович Рашидов матонатли коммунист, оташин курашчи, интернационалист, халқлар ленинча дўстлиги йўлидаги курашчи эди. У ўзининг бутун ёрқин ҳаётини партия ишига, коммунизм идеалларига, улуғ Ватанимизга, совет халқига тўла-тўкис бағишлади. Бутун Ленин партиясига хос фазилатлар унинг ҳаёти ва фаолиятида намоён бўлди.

Республикамиз эришган кўпдан-кўп катта ютуқлар Шароф Рашидович Рашидов номи билан боғлиқдир. У хўжалик ва маданий қурилиш вазифаларини ўзига хос ғайрат-шижоат ва фидокорлик, ишчанлик ва принципиаллик билан ўртага қўйиб, уларнинг муваффақиятли ҳал этилишига эришар эди. Ўзбекистонда халқ хўжалигининг фан-техника тараққиётини белгилаб берувчи кўпгина тармоқлари унинг ташаббуси билан вужудга келтирилди ва гуркираб ривожлантирилди.

Қатъият ва иш тўғрисида жон куйдириш, кишиларни жипслаштириш ҳамда уларни юксак пировард натижаларга эришишга сафарбар этиш маҳорати пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳамда тайёрлашни муттасил кўпайтириб боришда айниқса яққол намоён бўлди.

Шароф Рашидович Рашидов қарийб чорак аср мобайнида республика партия ташкилотига бошчилик қилиб, ленинча нормалар ва анъаналарга ҳамиша амал қилиб келди. Батамом фидокорлик, ишнинг асосий йўналишларида бўлишга шайлик, ҳамиша ва ҳар ишда бошқалар учун ўрнак бўлиш унга хос фазилатлар эди. Ҳамиша унинг сўзи билан иши бир эди. У партия ташкилотларининг жанговарлигини, коммунистларнинг авангардлик ролини оширишга эришиш учун сабот билан ҳаракат қилиб келди, ҳамиша одамлар орасида бўлиб, уларни ўргатди ва ўзи ҳам улардан ўрганди, раҳбар партия, совет ва хўжалик кадрларини юксак талабчанлик ва интизом, ташаббускорлик, ишга ижодий ёндашиш руҳида тарбиялади.

Кишиларга, уларнинг фикрларига астойдил ҳурмат билан қараш, донишмандлик ва билимдонлик, партиявий принципиаллик, талабчанлик, қарорларни коллектив бўлиб ишлаб чиқиш, масъулиятни ўткир ҳис этиш, ниҳоятда самимийлик ва камтарлик шу атоқли раҳбарнинг порлоқ сиймосидан ажралмас фазилатлардир. Шароф Рашидовнинг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси ва Секретариатининг, бутун аппаратининг қийин, аҳил ва жўшқин ишини уюштиришдек ноёб истеъдоди ва маҳоратини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. У ғоят хилма-хил юмушлар, катта ва кичик ишлар, кўпдан-кўп оддий ва мураккаб масалалар орасида ҳамиша асосий, ғоят муҳим проблемаларни — ишлаб чиқарувчи кучларни, экономика ва маданиятни ривожлантириш проблемаларини ажрата билар эди. Шароф Рашидович омманинг эътироф этилган етакчиси сифатида область, шаҳар, район партия комитетларининг, бошланғич партия ташкилотларининг энг самарали фаолият формалари ва методларини қидириб топишга қаратилган ишида жўшқинлик, аниқ-пухталикка, ишда маданиятни оширишга эришиш учун ҳаракат қилиб келди. Ишдаги ўртоғи учун у шунчаки раҳбаргина эмас, балки самимий ва меҳрибон мураббий ҳам эди.

Катта авлодга мансуб кишилар уни оқсоқол деб эъзозлашар, ёшлар эса ота деб аташарди. Шароф Рашидовични чин қалбдан, астойдил ҳурмат қилишлари, унинг баҳодирона олижаноб меҳнатини, унинг сиёсий етуклиги ва маънавий поклигини тушунишлари туфайли у ана шундай эътироф этилди.

Шароф Рашидович Рашидов меҳнат аҳлининг фаровонлиги, бахт-саодати тўғрисидаги уй-фикр ва юмушлар билан яшади, ўзини ҳеч қачон аямади, бутун кучини сарфлаб ишлади, партия ишониб топширган иш учун ҳамиша астойдил жон куйдирди.

Ҳурматли ўртоқлар, Марказий Комитетни, Совет ҳукуматини ишонтириб айтишга ижозат бергайсизки, биз бундан буён ҳам партия XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети ноябрь ва июнь Пленумларининг режаларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Юрий Владимирович Андроповнинг кўрсатмаларини амалга ошириш борасида Шароф Рашидович каби зўр ғайрат билан самарали ишлайверамиз, коммунистик қурилишда тобора янги-янги муваффақиятларга эришаверамиз.

Республиканинг ҳамма коммунистлари, барча меҳнаткашлари совет халқининг шонли фарзанди, партия иши учун садоқатли ва матонатли курашчининг порлоқ хотираси олдида бошларини қуйи эгиб, Шароф Рашидовичнинг рафиқаси ва содиқ дўсти муҳтарам Хурсанд Ғафуровна, Сизга, Шароф Рашидовичнинг фарзандларига, укаларига ва яқин кишиларига чин қалбдан таъзия ва ҳамдардлик изҳор этадилар.

Шароф Рашидовичнинг орамиздан кетганлиги тўғрисида гапириш мушкул. Жудолик қайғу-аламини сўз билан ифода этиб бўлмайди. Биз уни юксак партиявийлиги, ленинча камтарлиги, соддадиллиги ва инсонийлиги, вазмин мулоҳазалилиги ва ғоят дилкашлиги учун ҳурмат қилардик ва севардик. У бизнинг қалбларимизда ҳамиша шундай бўлиб қолади.

Алвидо, азиз дўстимиз ва биродаримиз, азиз Шароф Рашидович.

Жиззах областидаги Ульянов номли совхоз бригадири Х. Рустамова микрофон олдига келади.

## Х. РУСТАМОВА нутқи

Азиз ўртоқлар!

Биз ҳаммамиз оғир дамларни бошдан кечирмоқдамиз, чуқур мусибатдамиз. Коммунистик партия ва совет халқининг содиқ фарзанди, оташин ватанпарвар ва интернационалист, ишчи-деҳқонларнинг доно устози ва мураббийси, ғоят қадрдон ва севимли Шароф Рашидович Рашидовни барча совет кишилари билан бирга сўнгги йўлга кузатмоқдамиз.

Азиз отахонимиз Шароф Рашидович Рашидов республика халқ хўжалигини, маданиятини юксалтириш, айниқса пахтачиликни комплекс ривожлантириш, хотин-қиз механизаторларни тарбиялаш тўғрисида ҳормай-толмай ғамхўрлик кўрсатиб келди. Оталиқ меҳр-муҳаббати билан биз, пахтакорларга бебаҳо маслаҳатлар берган, оналар ва болалар бахтини авайлаган улуғ инсон билан видолашиш нақадар қайғулидир.

Қадрдон Шароф Рашидовичнинг партия ишига чексиз эътиқоди, коммунистларча принципиаллиги ва қатъияти, ўзига ва ўртоқларига нисбатан талабчанлиги, бениҳоя зўр меҳнатсеварлиги ва камтарлиги биз ёшларга ҳамиша ўрнак бўлиб қолади.

Жиззах областининг тақдири ғоят зўр қобилият соҳиби, ноёб дилкаш инсон Шароф Рашидович номи билан чамбарчас боғлангандир. Бу ерда у туғилиб ўсди, шу ерда комсомол ва Ленин партияси сафига кирди.

Партия ва давлат ишлари билан ғоятда банд бўлишига қарамай, Шароф Рашидович ҳеч қачон туғилиб ўсган юрти, унинг одамлари билан алоқасини узмади. У областимиз ҳақида ҳамиша ғамхўрлик қилиб келди. Қўриқ ерларни ўзлаштиришнинг ҳал қилувчи йилларида бу қаҳрамонона курашга Шароф Рашидович етакчилик қилганлигини, унинг донишмандлиги туфайли Мирзачўл ва Жиззах, Қарши ва Сурхон — Шеробод даштлари серҳосил пахтазорларга, яшнаган боғ-роғларга айланганини авлодлар ҳеч қачон унутмайди.

Бугунги кунда обод бўлиб, гуллаб-яшнаётган серқуёш республикамиз, жумладан Жиззах областининг қад кўтараётган ҳар бир биноси, равнақ топаётган боғ-роғлари ҳамюртимиз Шароф Рашидовичнинг ёрқин хотирасини эслатиб туради.

Биз шуни яхши биламизки, севимли Ватанимиз, тинчлик ва коммунизм йўлидаги фидокорона меҳнатимиз қадрдон Шароф Рашидович учун энг яхши ёдгорлик бўлади.

Алвидо деб айтишга тилим бормайди, азиз отажоним. Сиз халқимиз қалбида абадий яшайсиз.

В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси комсомол-ёшлар бригадасининг бошлиғи Э. Миркомилов нутқ сўзлайди.

## Э. МИРКОМИЛОВ нутқи

Ўртоқлар!

Шароф Рашидович Рашидов билан видолашилаётган шу оғир дамларда қалбларимиз қайғу-алам билан тўлиб тошди. Ёш авиасозлар, республиканинг барча комсомоллари ва ёшлари унинг бевақт вафоти муносабати билан ғоят катта жудолик қайғусидадирлар.

Бутун умрини сўнгги нафасигача Коммунистик партия буюк ишига, совет халқи учун хизмат қилишга бағишлаган киши орамиздан кетганлигини ҳис этиш ачинарлидир.

Октябрь тенгдоши, қаҳрамонона беш йилликлар, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Шароф Рашидович Рашидов муаллимликдан Советлар мамлакатининг йирик партия ва давлат арбоби даражасига қадар ёрқин йўлни босиб ўтди.

Шароф Рашидович республиканинг экономикаси ва маданиятини ривожлантиришга қанчалик кўп куч-ғайрат, ақл-идрок ва билим сарф қилганлиги биз, Ўзбекистон ёшларини ҳамиша қойил қолдирарди. У комсомоллар, ёшлар билан учрашувларда, оталарча маслаҳатлари ва ўгитларида бизни ҳамиша ленинча, коммунистча яшаш ва меҳнат қилишга ўргатарди. Биз ундан Ватанни қизғин севишни, қийинчиликларни бартараф этишни, совет ватанпарварлиги ва социалистик интернационализм принципларига ҳамиша содиқ қолишни ўргандик.

Коммунистик партия ва Совет давлатининг атоқли арбоби Шароф Рашидовичнинг ёрқин ҳаёти йигит-қизлар учун ҳамиша партиямиз ишига астойдил садоқатнинг ажойиб тимсоли бўлади. Биз комсомоллар оталаримиз ва оналаримиз ишига ҳамиша содиқ қоламиз, барча авлод коммунистларининг буюк ғалабаларини кўз қорачиғидек асраймиз ва кўпайтириб борамиз, тинчлик посбонлигида қаттиқ турамиз деб, Коммунистик партияни, қаҳрамон совет халқини ишонтирамиз. Коммунистик партиянинг содиқ фарзанди Шароф Рашидович Рашидовнинг порлоқ хотирасини ҳамиша қалбларимизда сақлаймиз. Алвидо, азиз устозимиз Шароф Рашидович. Сизнинг самарали фаолиятингиз, Ленин идеалларига фидокорона садоқатингиз, юксак инсонийлик сифатларингиз биз учун ҳамиша илҳомбахш ўрнак бўлиб қолажак.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти академик О. С. Содиқов республика зиёлиларининг чуқур қайғуси тўғрисида гапиради.

## О. С. СОДИҚОВ нутқи

Азиз ўртоқлар!

Барча меҳнаткашлар сингари республика зиёлилари ҳам таниқли партия, давлат ва жамоат арбоби, оташин ватанпарвар ва интернационалист азиз Шароф Рашидович Рашидовнинг бевақт вафоти хусусида чуқур қайғудадирлар.

Партиямизнинг тарихий режаларини амалга ошираётиб, ўзининг ҳамма куч-ғайратлари, билими ва катта тажрибасини, саховатли қалбининг бутун қўрини халққа берган киши энди орамизда йўқ деган фикр билан муроса қилиш қийин.

Ш. Р. Рашидов кўпгина муҳим партия ва давлат ишлари орасида республикамизда илмий тафаккурни ривожлантириш ва фан-техника тараққиётини тезлатишга ҳамиша катта эътибор бериб, унинг тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилиб келарди. У ҳозирги босқичдаги шу туб проблемани ҳал этишга илм-фан пойдевори кишининг энг эрта ёшида ҳосил қилишини кўра биладиган ҳақиқий мутафаккир сифатида ёндашарди.

У мактабгача жамоат тарбиясига ҳам, умумий таълим мактабларининг эҳтиёжларига ҳам, ўрта ва олий таълимни ривожлантиришга ҳам оталарча ҳақиқий ғамхўрлик ва диққат-эътибор билан қараганлигини ҳаммамиз биламиз. Албатта у ёш олимларнинг бунёдга келишига, илмий куч-қувватларни илм-фаннинг янги катта йўналишларига жамлашга ҳамма чоралар билан кўмаклашарди. У илмий кадрларни тайёрлаш ва тарбиялашга, ишлаш ва ижодий камол топиш учун энг қулай шароитлар яратишга кўп эътибор берарди. Унинг ҳаракатлари туфайли республикада кўпдан-кўп юксак малакали педагог ва олимлар ўсиб етишди, қудратли илмий-техникавий потенциал вужудга келди.

Шароф Рашидович жамики янгиликларнинг, илғор ишларнинг эҳтиросли ва толмас тарафдори эди, олимларни муҳим халқ хўжалик аҳамиятига эга бўлган проблемаларни ҳал этишга йўлларди деб бемалол айта оламиз.

Бугун азиз Шароф Рашидович билан дилимиз куйиб видолашаяпмиз. Совет Ўзбекистонининг олимлари одамларимизга ленинча партия даъват этаётган тараққиётни таъминлаш учун фан ва техниканинг ҳамма жабҳаларида янада актив ва уюшқоқлик билан меҳнат қилишни ўз бурчлари деб биладилар.

Алвидо, азиз устоз Шароф Рашидович!

Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари М. Ғ. Ғапуров нутқ сўзлайди.

## М. Ғ. ҒАПУРОВ нутқи

Азиз ўртоқлар!

Ҳаммамизга азиз Шароф Рашидович Рашидовнинг дафн маросимига келган қўшни қардош республикаларнинг вакиллари унинг олдида бошларини қуйи эгадилар.

Коммунистик партия ва Совет давлатининг атоқли арбоби, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, СССР ёзувчилар союзининг аъзоси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти лауреати Шароф Рашидович Рашидовнинг бевақт вафот этганлиги тўғрисидаги хабар қардош республикаларимиз коммунистларининг, барча меҳнаткашларининг қалбларини қайғу-аламга тўлдирди.

Ўзининг бутун онгли ҳаётини коммунизм идеалларига, буюк Ватанимизга, совет халқига хизмат қилишга бағишлаган, бутун куч-қувватини, ташкилотчилик истеъдодини Совет Ўзбекистонининг экономикаси, маданиятини равнақ топтиришга бағишлаган ажойиб инсон, матонатли ленинчи коммунист, социалистик мамлакатимиз оташин ватанпарварининг қайноқ қалби уришдан тўхтаганлигига ишониш қийин, буни ҳис этиш оғир ва аламлидир.

Шароф Рашидович оддий ходимдан Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретарига қадар катта ва шонли меҳнат йўлини босиб ўтди ва шу лавозимда йигирма тўрт йилдан кўпроқ хизмат қилди. У ўзига топширилган партия, совет, хўжалик фаолиятининг ҳамма жабҳаларида ўзига хос ғайрат-шижоат билан меҳнат қилди, ишни яхши билиш, ташаббускорлик намуналарини кўрсатди, юксак даражада масъулиятли, камтар, меҳнатсевар, ниҳоятда дилкаш киши эди.

Совет Ўзбекистони коммунистик бунёдкорликнинг ҳамма соҳаларида эришган ажойиб муваффақиятлар унинг номи билан, толмас ташкилотчилик фаолияти билан боғланган.

Қардош республикаларимизнинг коммунистлари, барча меҳнаткашлари Шароф Рашидович Рашидовни ғоятда қадрлар ва ҳурмат қилар эдилар.

Интернационалист ленинчи, унутилмас Шароф Рашидович Рашидовнинг дил саховатлари қардош республикаларимиз ўртасидаги қалин дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини нурафшон қилиб турарди.

Букилмас иродали, юксак партиявий принципли, ниҳоятда ишчан ҳамда ўзига ва қўл остидагиларга талабчан, буюк Ленин ишига бениҳоя содиқ киши орамиздан кетди.

Шароф Рашидович Рашидов энди орамизда йўқ. Бу қардош республикаларимизнинг барча коммунистлари ва меҳнаткашлари учун катта жудоликдир. Бугун азиз дўстимиз, оғамиз ва ўртоғимиз Шароф Рашидович билан видолашар эканмиз, партиямиз XXVI съезди тарихий қарорларини амалга оширишдаги, у ўзининг бутун ёрқин ҳаётини бағишлаган коммунизм қуриш буюк иши йўлидаги фидокорона меҳнатларимиз унинг тўғрисидаги энг яхши хотира бўлиб қолишини равшан ҳис этамиз.

Алвидо, азиз Шароф Рашидович. Партиямиз ва халқимизнинг содиқ фарзанди Сиз тўғрингиздаги хотира, Сизнинг порлоқ сиймоингиз ва ишларингиз қалбларимизда ҳамиша қолажак.

Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони армия генерали Ю. П. Максимов митинг қатнашчиларига мурожаат этиб нутқ сўзлайди.

## Ю. П. МАКСИМОВ нутқи

Азиз ўртоқлар!

Республиканинг барча меҳнаткашлари каби Туркистон округи жангчилари ҳам партиямиз ва давлатимизнинг таниқли арбоби, оташин ватанпарвар ва интернационалист Шароф Рашидович Рашидов бевақт вафот этганлигидан чуқур қайғурмоқдалар.

Республика экономикаси ва маданиятини ривожлантиришдаги, мамлакатимиз халқлари улуғ ленинча дўстлигини мустаҳкамлашдаги катта-катта ютуқлар Ўзбекистонда партия ва совет қурилишининг атоқли ташкилотчиси, салкам чорак аср мобайнида республика партия ташкилотига бошчилик қилган Шароф Рашидовичнинг номи билан боғлиқдир.

Биз, Туркистон округи жангчилари ғоят оғир жудолик аламини алоҳида қайғу билан бошдан кечирмоқдамиз. Хўжалик қурилиши вазифалари билан бир қаторда мамлакат мудофаа қобилиятини ошириш ва унинг қуролли кучларини мустаҳкамлаш ишига ҳам катта ҳисса қўшган партия ва давлат раҳбари ҳаётдан кўз юмди.

Шароф Рашидович округ ҳарбий кенгашининг аъзоси сифатида Ватаннинг жанубий чегаралари хавфсизлигини таъминлаш, Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи қисмлари ҳамда қўшилмаларининг жанговар ва сафарбарлик жиҳатидан шайлигини ошириш масалалари билан чуқур шуғулланар эди. Биз округ зиммасига юкланган катта ва мураккаб вазифаларни ҳал этишда доимо унинг эътибори, мадади ва ёрдамини сезиб турдик.

Шароф Рашидович ҳарбий гарнизонларда тез-тез бўлиб, солдатлар ва офицерлар билан учрашиб турарди, у солдат қалбини яхши билар, машаққатли ҳарбий меҳнатни юксак қадрлар, жангчилар тўғрисида оталарча ғамхўрлик қилар эди.

Шароф Рашидович меҳнаткашларни ва аввало ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш соҳасидаги ишга ташкилотчи ва пропагандистга хос ниҳоятда зўр ғайрат-шижоатини, истеъдодини сарфлади. Республикада бевосита унинг таъсири билан ёшларнинг армияга чақирилмасдан олдин рус тилини ўрганишлари соҳасида кенг кўламдаги тадбирлар амалга оширилмоқда, бу эса армия учун жуда муҳим аҳамиятга эгадир.

Улуғ Ватан урушида ўзи қатнашган, фашист босқинчиларга қарши жангларда шахсий жасорат, матонат ва мардлик кўрсатган, жангларда оғир ярадор бўлган Шароф Рашидович уруш қатнашчилари тўғрисида, қуролли кучлар ҳамда округ ветеранлари ҳақида доимо ғамхўрлик қилиб келди. Шароф Рашидовичнинг вафоти уларнинг қалбларини, Октябрь ғалабаларини қўлига қурол олиб ҳимоя қилган барча кишиларнинг қалбларини оғир қайғу-аламга тўлдирди.

Шароф Рашидовичнинг бутун ҳаёти Ленин партияси иши учун, халқ манфаатлари ҳамда Ватанни равнақ топтириш учун курашга бағишланган эди. У сўнгги дақиқагача партия билан қуролли кучларнинг фаол солдати бўлиб қолди.

Ленинчи коммунист, буюк меҳнаткаш, истеъдодли ва доно раҳбар, самимий ва меҳрибон инсон — Шароф Рашидович Рашидовнинг сиймоси туркистонлик жангчиларнинг хотирасида ҳамиша сақланиб қолади.

Алвидо, азизимиз Шароф Рашидович!

СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари А. А. Ананьев оғир жудолик тўғрисида гапиради.

## А. А. АНАНЬЕВ нутқи

Ўртоқлар!

Бугун биз Коммунистик партия ва Совет давлатининг таниқли арбоби, республиканинг иқтисодий ва маданий ҳаётига узоқ вақтлар давомида самарали раҳбарлик қилиб келган ҳаммамиз учун азиз Шароф Рашидовични қалбларимиз қайғу-аламга тўлган ҳолда сўнгги йўлга кузатиб қўймоқдамиз. У халқнинг меҳр-муҳаббати ҳамда иззат-ҳурматига сазовор бўлган таниқли партия ва давлат арбобигина эмас, шу билан бирга йирик совет ёзувчиси ҳам эди. Унинг китоблари иттифоқдош республикалар халқларининг барча тилларида ва чет элларда кўп марта қайта-қайта нашр этилган. Совет адабиёти катта жудоликка учради. Янги жамиятнинг курашчи санъаткори, бунёдкор санъаткори, реалист санъаткор, ўзининг партия ва давлат фаолияти билангина эмас, балки кишиларнинг қалбларидан жой олган бадиий каломи билан ҳам меҳнатнинг бунёдкорлик гўзаллигини, эзгуликнинг гўзаллигини, Ватанга меҳр-муҳаббатни қарор топтирган матонатли ленинчи совет адабиёти сафларидан кетди. Мамлакатимиз учун оғир бўлган уруш йилларида ёзилиб босиб чиқарилган «Қаҳр-ғазабим» номли биринчи китобидан ўтган йили «Дружба народов» журналида эълон қилинган «Қалб амри» номли сўнгги повестгача Шароф Рашидович Рашидов ўзининг реалистик қаламига содиқ бўлиб қолди.

Унинг китоблари биз учун ғоят азиз бўлган социалистик турмуш тарзининг гўзаллигини ва жозиба кучини яққол кўрсатиб берди. У санъаткорга хос ўткир ва меҳрли кўзлари билан дунёга назар ташлаб, жамиятимизнинг қудратли маънавий кучини ҳаммадан ёрқинроқ тасвирлаш мумкин бўлган бўёқларни ана шу дунёдан олди. Кенг кўламда машҳур бўлиб қолган «Ғолиблар», «Бўрондан кучли», «Қудратли тўлқин» повесть ва романлари, «Кашмир қўшиғи» романтик қиссаси, «Тарих ҳукми» публицистик мақолалар тўплами, кўп миллатли совет адабиётининг туб проблемаларига бағишланган кўпдан-кўп танқидий мақолалар унинг қаламига мансубдир.

Шароф Рашидович СССР Ёзувчилар союзининг ишида актив қатнашди, Африка ва Осиё мамлакатлари ёзувчиларини империалистларнинг термоядро урушини чиқаришлари хавфига нисбатан урушга қарши қудратли ҳаракатга бирлаштириш ташаббускорларидан бири эди.

Осиё ва Африка ёзувчиларининг Тошкентда бўлиб ўтган биринчи конференциясида ҳукм сурган эрксеварлик руҳи, ўшанда эълон қилинган энг асосий принциплар ҳаммамизнинг ёдимизда. Ана шу конференция унинг қатнашчилари онгига, сўнгра эса дунёдаги турли мамлакатлар жамоатчилиги онгига Тошкент руҳи сифатида ўрнашиб қолди. Тошкент руҳини тилдан қўймай, у ҳақда ҳамон гапирмоқдалар, уни эсдан чиқармаяптилар. Африка — Осиё мамлакатлари ёзувчиларининг яқинда Тошкентда бўлиб ўтган конференциясида ҳам ана шу тинчликсеварлик руҳи яна бир бор тасдиқланди. Яна Шароф Рашидович Рашидов шу конференциянинг жон-тани, унинг қалби бўлди.

Азиз дўстимиз, азиз Шароф Рашидович! Биз, совет ёзувчилари сафдошларча қилган меҳнатингиз олдида бош эгамиз. Сизнинг ишларингиз билан китобларингиз биз учун ҳамиша партия ва халққа астойдил хизмат қилиш намунаси бўлиб қолади.

Алвидо, қадрдонимиз Шароф Рашидович.

Ш. Р. Рашидов хотирасига бағишланган митинг ёпиқ деб эълон қилинади.

Ш. Р. Рашидов жасади солинган тобут мотам куйи садолари остида тўп лафетига ўрнатилади.

СССР халқлари дўстлиги саройида КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Советидан, Ўзбекистон ҳамда қардош республикалар партия, совет ва жамоат ташкилотларидан, меҳнат коллективларидан, чет эллик дўстлардан қўйилган кўпдан-кўп гулчамбарлар мотам юришининг олдида кўтариб борилмоқда.

Қизил шойи ёстиқчаларда Ш. Р. Рашидов Коммунистик партия ва Совет давлати олдидаги хизматлари учун сазовор бўлган юксак мукофотларни кўрамиз.

Кўчаларнинг йўлкалари минглаб тошкентликлар билан лиқ тўлди. Улар Коммунистик партия ва Совет давлатининг таниқли арбоби Шароф Рашидович Рашидов билан видолашиш учун бу ерга келдилар.

Кортеж В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиали ёнидаги паркка етиб келади. Тобут лафетдан супага олиб қўйилади.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. Ж. Худойбердиев видолашув нутқи сўзлайди.

## Н. Ж. ХУДОЙБЕРДИЕВ нутқи

Азиз ўртоқлар!

Биз мана шу жуда оғир қайғули дамларда видолашаётган инсон — Коммунистик партия ва совет халқининг содиқ фарзандидир. Унга куч-қувват ва ақл-заковатни, улкан ва сахий қалбни Коммунистик партия билан совет халқи бахш этди.

Шароф Рашидович Рашидовнинг бутун ҳаёт йўли — ажойиб ва порлоқ жасорат — Улуғ Ватан урушининг даҳшатли йилларидаги солдат жасорати, омманинг коммунизм сари буюк юришида унинг ташкилотчиси бўлган коммунист жасорати, ёзувчи, ватанпарвар ва интернационалист жасоратидир.

Ленин партияси ва социалистик Ватан тарбиялаган Шароф Рашидович Рашидов ўзининг фарзандлик бурчини астойдил адо этди. Ўзбекистон шаҳар ва қишлоқларининг ҳозирги қиёфасида, унинг кўп тармоқли индустрияси гуркираб ривожланишида, ер бағри бойликлари кенг кўламда ўзлаштирилаётганлигида, ирригация ва мелиорация республика тарихида мислсиз даражада ривожлантирилаётганида, пахтачилик, бутун қишлоқ хўжалиги юксалганлигида, фан ва маданият барқ уриб ривожланганида, хуллас ҳамма жойда қарийб чорак аср мобайнида республика партия ташкилотига етакчилик қилган Шароф Рашидович Рашидов илҳомбахш ижодкорлигининг, ақл-заковати, жўшқин, тинимсиз фаолиятининг улуғвор натижалари кўриниб турибди.

Шароф Рашидович партиямизнинг бош йўлини унинг ўзига хос ғайрат-шижоат, ташаббускорлик ва қатъият билан, ишни чуқур билган ҳолда изчиллик билан амалга ошириб келди. Республика, унинг раҳбарлари, жойлардаги кадрлар ўзларининг барча ишларида ўз ташаббусларида ҳамиша КПСС Марказий Комитети билан унинг Сиёсий бюросининг муттасил қўллаб-қувватлаб, маъқуллашларини ҳис этиб келдилар ва ҳис этмоқдалар.

Оташин ватанпарвар ва эҳтиросли интернационалист бўлган Шароф Рашидович совет кишилари дўстлиги ва қардошлиги ғояларининг тантанаси учун кўп иш қилди.

Шароф Рашидович КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг топшириғига биноан социалистик мамлакатлар халқлари билан чет эллардаги бошқа давлатларнинг халқлари ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга доир катта катта тадбирларни фаол амалга оширди, халқлар тинчлиги ва хавфсизлиги ишини мустаҳкамлаш учун кўп иш қилди.

Ленин партиясининг содиқ фарзанди бўлган у ҳамиша ва ҳар жойда халқ билан бирга бўлди, унинг ўй-фикрлари ва орзу-умидлари билан яшади, меҳнаткашларнинг фаровонлигини ошириш тўғрисида тинимсиз ғамхўрлик қилди. Республикамиз қиёфаси ва халқи турмуши унинг кўз ўнгида таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди.

Шароф Рашидовичнинг сўзи билан иши ҳамиша бир эди! У ўзи билан ёнма-ён, унинг раҳбарлигида яшаб ишлаган кишиларнинг ҳаммаси учун ёрқин, илҳомбахш намуна эди.

Ўзбекистон меҳнаткашлари уни астойдил севиб ҳурмат қилишарди. Шунинг учун ҳам мана шу бугунги видолашув онларида чуқур қайғурмоқдалар, зотан Шароф Рашидович ўзининг бутун ҳаётини халқ бахт-саодати йўлида тўла-тўкис бағишлаганлигини улар биладилар ва қалблари билан ҳис этадилар.

Шароф Рашидович энди орамизда йўқлиги, у ҳаётдан кўз юмганлиги ҳамда унинг ўткир нигоҳи энди хайриҳоҳлик билан порлаб турмаслиги фикрига кўникиш қийин.

Шароф Рашидович каби катта арбобларнинг номи ўчмайди. Улар коммунизм идеаллари ғалабаси йўлидаги ўз меҳнатларининг ва курашларининг шонли якунлари билан сафда қоладилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети тарбиялаган партия, совет ва хўжалик кадрлари, коммунистик қурилиш сабоғини олган ишчилар, колхозчилар, фан ва техника, санъат ва адабиёт арбоблари, барча ёшларимиз унинг ишини давом эттирадилар.

Шароф Рашидовичнинг номи ҳамда кўп қиррали фаолияти халқнинг ишлари ва зафарларида абадийлаштирилади. Унинг ажойиб китоблари мангу яшайди.

Ўзбеклар диёри ўзининг энг содиқ, энг атоқли фарзандларидан бири билан видолашмоқда.

Шундай қайғули воқеа содир бўлган экан, азиз Шароф Рашидович, шафқатсиз ажал Сизни орамиздан олиб кетган экан, нима ҳам қила олардик!

Бу ерда, ернинг сўнгги бўсағасида биз Сизга, дўстимиз, биродаримиз, сафдошимизга, шуни айтишни истаймизки, Ўзбекистон коммунистлари, барча меҳнаткашлари халқ хўжалигининг барча тармоқларида айни бир вақтда юксак кўрсаткичларга эришиш билан бирга бу йил ҳам Ватанга 6 миллион тонна пахта етказиб берилади, деб республика номидан берган ваъдангиз шараф билан бажарилиши учун ҳамма ишни қиладилар. Партия ташкилоти Совет Ўзбекистонини қардош халқлар аҳил оиласида жўшқин ривожлантириш улуғвор режаларини бундан буён ҳам сабот билан амалга оширишга азму қарор бергандир. Шароф Рашидович ўзининг бутун ажойиб ҳаётини мана шу ишга батамом бағишлади.

Ўртоқлар! Жудоликнинг чексиз қайғу-аламини сўз билан ифодалаш қийин. Мана шу сўнгги видолашув дақиқасида биз ҳаммамиз Шароф Рашидовичнинг рафиқаси ва содиқ дўсти, ғоят ҳурматли, ҳаммамиз учун азиз Хурсанд Ғафуровнага, уларнинг фарзандларига, укалари, қариндош-уруғлари ва ёр-биродарларига, кураш ва меҳнатдаги ўртоқларига ғоят аламли қайғуларида самимий ҳамдард бўлиб, уларга чуқур таъзия билдирамиз.

Биз доно раҳбаримиз, устозимиз, отамиз ва ўртоғимиз хоки олдида бош эгамиз.

Қалбларимизда абадий ва миннатдор хотира бўлиб қоласиз, унутилмас Шароф Рашидович!

Алвидо, содиқ дўстимиз ва азиз ўртоғимиз!

* * *

Ш. Р. Рашидов жасади солинган тобут қабрга оҳиста туширилади. Милтиқлар ва тўплардан отилган салют садолари гумбурлайди. Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР Давлат гимнлари янграйди.

Туркистонлик жангчиларнинг бўлинмалари Коммунистик партия ва совет халқининг содиқ фарзанди Шароф Рашидович Рашидовга сўнгги ҳарбий иззат-икром бажо келтириб, шахдам қадам ташлаб ўтадилар.

(ЎзТАГ).

# ЧУҚУР ТАЪЗИЯНОМАЛАР

**ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ НОМИГА ТИНИМСИЗ КЕЛАЕТГАН ТЕЛЕГРАММА ВА ХАТЛАРДА КОММУНИСТИК ПАРТИЯ БИЛАН СОВЕТ ДАВЛАТИНИНГ ТАНИҚЛИ АРБОБИ, КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИ АЪЗОЛИГИГА КАНДИДАТ, ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕКРЕТАРИ, СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ АЪЗОСИ, ИККИ МАРТА СОЦИАЛИСТИК МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНИ, ЛЕНИН МУКОФОТИ ЛАУРЕАТИ ШАРОФ РАШИДОВИЧ РАШИДОВНИНГ БЕВАҚТ ВАФОТИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЧУҚУР АЛАМ ВА ҚАЙҒУ ИЗҲОР ЭТИЛМОҚДА.**

### ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИГА, ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИГА

РСФСР Олий Совети Президиуми ва РСФСР Министрлар Совети Коммунистик партия билан Совет давлатининг таниқли арбоби, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Совет Ўзбекистонини ривожлантиришга, улуғ Ватанимиз қудратини, Совет Иттифоқи халқларининг қардошларча дўстлигини мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшган Шароф Рашидович Рашидовнинг бевақт вафоти муносабати билан Ўзбекистон республикасининг барча коммунистларига ва меҳнаткашларига чуқур таъзия изҳор этадилар.

Марҳумнинг қариндош-уруғларига ва ёр-биродарларига самимий таъзияларимизни етказишни илтимос қиламиз.

**РСФСР Олий Совети Президиуми,**
**РСФСР Министрлар Совети.**

### ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИГА, ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИГА

Коммунистик партия билан Совет давлатининг таниқли арбоби, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, улкан дўстимиз Шароф Рашидович Рашидовнинг тўсатдан вафот этганлиги тўғрисидаги хабар Қозоғистон коммунистларининг, барча меҳнаткашларининг қалбларини чуқур қайғуга солди.

Оташин ватанпарвар ва ҳақиқий интернационалист, деярли чорак аср давомида республика партия ташкилотига бошчилик қилган истеъдодли ташкилотчи ҳаётдан кўз юмди. У ўзининг бутун ёрқин ва самарали ҳаётини, билим ва ғайрат-шижоатини охиригача қардош Ўзбекистон экономикаси, фани ва маданиятини равнақ топтиришга бағишлади.

Ҳар томонлама билимдон, ғоят самимий ва шахсан дилкаш инсон — Шароф Рашидовичнинг порлоқ образи хотирамизда ҳамиша сақланиб қолади.

Қозоғистон Компартияси Марказий Комитети, Қозоғистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети ҳаммамиз учун азиз Шароф Рашидовичнинг вафоти хусусида қайғумизга қўшилиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумига, Ўзбекистон ССР Министрлар Советига, бутун қардош ўзбек халқига ана шу оғир жудолик муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар. Марҳумнинг оиласига таъзияларимизни етказишингизни илтимос қиламиз.

**Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари**
**Д. КУНАЕВ.**
**Қозоғистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси**
**С. ИМАШЕВ.**
**Қозоғистон ССР Министрлар Советининг Раиси**
**Б. АШИМОВ.**

### ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИГА, ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИГА

Грузия Коммунистик партияси Марказий Комитети, Грузия ССР Олий Совети Президиуми, республика Министрлар Совети Коммунистик партия билан Совет давлатининг таниқли арбоби, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Шароф Рашидович Рашидовнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этадилар.

Коммунистик идеаллар учун фидокор курашчи, оташин ватанпарвар ва интернационалист, ўзининг бутун тинимсиз ташкилотчилик қобилиятини, истеъдоди ва ижодий куч-ғайратини, бой тажрибаси ва билимларини, ўзининг бутун умрини янги жамият қуришдан иборат улуғ ишга бағишлаган инсонни ўлим сафларимиздан юлиб олди. Қадрдонимиз Шароф Рашидовичнинг вафоти Грузия коммунистлари, барча меҳнаткашлари дилини кучли қайғуга чулғади, чунки улар Шароф Рашидовични яхши билар эдилар, унга жуда чуқур ҳурмат билан қарар ва уни астойдил севар эдилар. Шароф Рашидович Рашидов сиймосида ўзбек халқи чорак аср мобайнида ўзининг экономика ва маданиятини ривожлантириш учун курашига раҳнамолик қилиб келган синалган раҳбаридангина эмас, шу билан бирга ажойиб асарларида янги турмуш қарор топишини акс эттирган истеъдодли ёзувчидан ҳам жудо бўлди.

Совет Грузиясининг коммунистлари, меҳнаткашлари қардош ўзбек халқи билан бирга сидқидилдан қайғурадилар ва унинг содиқ фарзанди — Шароф Рашидович Рашидов хотирасини ҳамиша ҳурмат билан эсга оладилар.

**Грузия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. ШЕВАРДНАДЗЕ.**
**Грузия ССР Олий Совети Президиумининг Раиси**
**П. ГИЛАШВИЛИ.**
**Грузия ССР Министрлар Советининг Раиси**
**Д. КАРТВЕЛИШВИЛИ.**

### ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА

Литва Компартияси Марказий Комитети, Литва ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети Коммунистик партия билан Совет давлатининг таниқли арбоби, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси Шароф Рашидович Рашидовнинг бевақт вафоти хусусида қардош Ўзбекистон коммунистларига, барча меҳнаткашларига чуқур таъзия изҳор этадилар.

Шароф Рашидович Рашидовнинг вафоти Ўзбекистон меҳнаткашлари учунгина эмас, шу билан бирга бутун совет халқи учун ҳам оғир жудоликдир. Совет Литвасининг коммунистлари, барча меҳнаткашлари уни оташин коммунист, истеъдодли раҳбар ва ташкилотчи, коммунизм ишига чексиз содиқ инсон сифатида билардилар, унинг ёрқин ҳаёти партия идеалларига садоқат билан хизмат қилиш намунасидир.

Коммунистик партия билан совет халқининг содиқ фарзанди — Шароф Рашидович Рашидовнинг порлоқ хотираси Совет Литваси меҳнаткашларининг қалбларида ҳамиша сақланиб қолади.

**Литва Компартияси Марказий Комитети**
**Литва ССР Олий Совети Президиуми**
**Литва ССР Министрлар Совети**

### ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИГА, ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИГА

Қирғизистон коммунистлари, барча меҳнаткашлари Коммунистик партия билан Совет давлатининг таниқли арбоби, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Шароф Рашидович Рашидовнинг бевақт вафоти ҳақидаги хабарни чуқур қайғу-алам билан эшитдик.

Шароф Рашидович Рашидов партия, давлат ва жамоат фаолиятининг ҳамма участкаларида коммунизм улуғ ишига чексиз садоқат кўрсатди, деярли чорак аср давомида республика партия ташкилотига бошчилик қилиб, партия ленинча сиёсатини сабот билан ўтказиб келди. Шароф Рашидович Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг экономикаси, фан ва маданиятини ривожлантиришга шахсан катта ҳисса қўшди. Совет Қирғизистонининг коммунистлари, барча меҳнаткашлари Шароф Рашидовични жуда катта қалб эгаси ва дилкаш, одамларга нисбатан меҳрибон ва сезгир инсон, оташин ватанпарвар ва интернационалист сифатида яхши билардилар.

Коммунистик партия билан совет халқининг содиқ фарзанди Шароф Рашидович Рашидовнинг порлоқ хотираси қалбларимизда доимо сақланиб қолади.

Шароф Рашидович Рашидовнинг қариндош-уруғлари ва ёр-биродарларига бизнинг самимий таъзияларимизни етказишни илтимос қиламиз.

**Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари**
**Т. УСУБАЛИЕВ.**
**Қирғизистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси**
**Т. ҚЎШОЕВ.**
**Қирғизистон ССР Министрлар Советининг Раиси**
**А. ДУЙШЕЕВ.**

### ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИГА, ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИГА

Эстония Коммунистик партияси Марказий Комитети, Эстония ССР Олий Совети Президиуми, Эстония ССР Министрлар Совети КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Шароф Рашидович Рашидовнинг бевақт вафоти муносабати билан Совет Ўзбекистони коммунистларининг, барча меҳнаткашларининг чуқур қайғусини баҳам кўрадилар.

Коммунистик партия билан совет халқининг содиқ фарзанди, йирик ташкилотчи, принципиал, талабчан, истеъдодли раҳбар, машҳур совет ёзувчиси ва публицисти, меҳрибон ва сезгир инсоннинг порлоқ хотираси қалбларимизда доимо сақланиб қолади.

Шароф Рашидовичнинг оиласига, дўстларига ва ёру биродарларига самимий ва чуқур ҳамдардлигимизни етказишингизни илтимос қиламиз.

**Эстония Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари**
**К. ВАЙНО.**
**Эстония ССР Олий Совети Президиумининг Раиси**
**А. РЮЙТЕЛЬ.**
**Эстония ССР Министрлар Советининг Раиси**
**В. КЛАУСОН.**

### ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА

Бутуниттифоқ касаба союзлари Марказий Совети КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Коммунистик партия билан Совет давлатининг таниқли арбоби Шароф Рашидович Рашидовнинг бевақт вафоти муносабати билан чуқур қайғурмоқда.

Шароф Рашидович Рашидов республиканинг иқтисодий ва социал тараққиёти, меҳнаткашларнинг ҳаётий манфаатларини қондириш, касаба союзларининг коммунистик қурилишдаги ролини ошириш ҳақида жуда катта ғамхўрлик қилганлигини совет касаба союзлари яхши биладилар ва юксак қадрлайдилар.

Марҳумнинг қариндош-уруғлари ва ёр-биродарларига самимий ҳамдардлигимизни етказишингизни сўраймиз.

**ВЦСПС президиуми**

### ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА

Совет давлати ва Коммунистик партиянинг таниқли арбоби, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Шароф Рашидович Рашидовнинг вафоти муносабати билан Африка-Осиё бирдамлиги ҳаракатининг кўп миллионлаб қатнашчилари номидан чуқур ҳамдардлик изҳор этамиз.

Бугун биз ўз халқининг содиқ фарзанди, эътиқодли интернационалист-курашчи, икки қитъа халқларининг бирдамлиги ҳаракатига доим қимматли ёрдам ва мадад бериб келган инсоннинг порлоқ хотираси қаршисида бош эгамиз. Унинг бирдамлик анжуманларида ер юзида тинчликни ҳимоя қилиш, қуролсизланиш ва кескинликни юмшатиш учун, империализмга, янги мустамлакачиликка ва ирқчиликка қарши, барча халқларнинг мустақиллиги ва тараққиёти учун кураш борасида айтган доно ва эҳтиросли сўзларини доимо ёдда тутамиз. Биз Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги ҳаракатининг курашчилари рўйхатига абадий ёзиб қўйилган Шароф Рашидович Рашидовнинг хотирасини асло унутмаймиз.

**Абдил Раҳмон аш-ШАРКАВИЙ,**
**Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги ташкилотининг президенти**
**Нури Абдил РАЗЗОҚ,**
**Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги ташкилотининг Бош секретари**

### ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИГА, ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИГА

КПСС Москва область комитети ва халқ депутатлари Москва область Советининг ижроия комитети КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Шароф Рашидович Рашидовнинг тўсатдан вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этадилар.

Коммунистик партия билан совет халқининг содиқ фарзанди, оташин ватанпарвар ва интернационалист, йирик ташкилотчи, принципиал, талабчан, одамларга меҳрибон раҳбар — Шароф Рашидович Рашидов вафоти муносабати билан сизлар билан бирга чуқур мотам тутамиз.

Шароф Рашидович Рашидовнинг порлоқ хотираси қалбимизда абадий сақланиб қолади.

**КПСС Москва область комитетининг биринчи секретари**
**В. КОНОТОП.**
**Москва область Совети ижроия комитетининг раиси**
**В. ПЕСТОВ.**

### ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИГА, ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИГА

Ленинград шаҳри ва областининг коммунистлари, барча меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Коммунистик партия билан Совет давлатининг таниқли арбоби Шароф Рашидович Рашидовнинг бевақт вафоти муносабати билан чуқур қайғурмоқдалар.

Шароф Рашидович Рашидов барча совет кишилари сингари ленинградликлар хотирасида Ватанимизнинг содиқ фарзанди, коммунизм ишига чексиз содиқ бўлган оташин ватанпарвар ва интернационалист сифатида ҳамиша сақланиб қолади. У ўзининг бутун ташкилотчилик истеъдоди, билими ва бой ҳаётий тажрибасини Социалистик Ўзбекистоннинг иқтисодий ва социал равнақ топишига бағишлади, СССР халқларининг қардошларча дўстлигини мустаҳкамлашга, республикангизнинг Ленинград шаҳри ҳамда области билан ўзаро ёрдами ва ҳар томонлама ҳамкорлигини мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшди.

Шароф Рашидович Рашидов билан видолашишнинг ана шу қайғули кунларида барча совет кишилари сингари ленинградликлар ҳам Коммунистик партия, КПСС ленинчи Марказий Комитети ва унинг КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ю. В. Андропов бошчилигидаги Сиёсий бюроси раҳбарлигида партия XXVI съезди қарорларини амалга ошириш, Ватаннинг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлаш, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи қардош халқларининг дўстлигини мустаҳкамлаш учун барча зарур ишларни қиладилар, деб айтмоқдалар.

**КПСС Ленинград область комитети**
**КПСС Ленинград шаҳар комитети**
**Халқ депутатлари Ленинград область Совети**
**Халқ депутатлари Ленинград шаҳар Совети**

### ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА

КПСС Приморье ўлка комитети Коммунистик партия ва Совет давлатининг таниқли арбоби, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Шароф Рашидович Рашидовнинг вафоти муносабати билан чин кўнгилдан ҳамдардлик изҳор қилади.

Ҳаммаларингизнинг оғир жудолик туйғуларингизга қўшиламиз. Шароф Рашидович Рашидов ҳақидаги яхши хотира приморьеликлар дилида узоқ вақт сақланиб қолади.

**КПСС Приморье ўлка комитетининг биринчи секретари**
**В. ЛОМАКИН.**

### ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА

КПСС Кемерово область комитети Коммунистик партия ва Совет давлатининг таниқли арбоби, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Шароф Рашидович Рашидовнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Оғир жудолик туйғуларингизга қўшиламиз ҳамда Шароф Рашидовичнинг қариндошлари ва ёр-биродарларига таъзия билдирамиз.

**КПСС Кемерово область комитетининг биринчи секретари**
**Л. ГОРШКОВ.**

### ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА

Горький областининг коммунистлари, барча меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Шароф Рашидович Рашидовнинг бевақт вафот этганлиги тўғрисидаги хабарни чуқур қайғу туйғулари билан кутиб олдилар.

Шу оғир жудолик муносабати билан область барча меҳнаткашларининг астойдил ҳамдардлигини қабул этгайсиз. Коммунистик партия билан Совет давлатининг таниқли арбоби Шароф Рашидович Рашидовнинг порлоқ хотираси дилимизда абадий сақланиб қолади.

**КПСС Горький область комитетининг биринчи секретари**
**Ю. ХРИСТОРАДНОВ.**

### ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА

КПСС Иркутск область комитети, область ижроия комитети Коммунистик партия билан Совет давлатининг таниқли арбоби, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Шароф Рашидович Рашидовнинг бевақт вафоти муносабати билан Ўзбекистон коммунистларига, барча меҳнаткашларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

**КПСС Иркутск область комитетининг биринчи секретари**
**В. СИТНИКОВ.**
**Область ижроия комитетининг раиси**
**А. СОКОЛОВ.**

### ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИГА, ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИГА

Коммунистик партия билан Совет давлатининг таниқли арбоби азиз Шароф Рашидович Рашидовнинг вафоти муносабати билан КПСС Тула область комитетининг, Тула области барча коммунистлари, меҳнаткашларининг чуқур ҳамдардлигини қабул этгайсиз.

Марҳумнинг оиласи, дўстлари, ёр-биродарларининг, Ўзбекистон барча меҳнаткашларининг оғир жудолигига чин кўнгилдан қайғудошмиз. Коммунистик партия билан совет халқининг содиқ фарзанди Шароф Рашидович Рашидовнинг порлоқ хотираси ҳамиша қалбларимизда яшайверади.

**КПСС Тула область комитетининг биринчи секретари**
**Н. ЮНАК.**

### ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА

КПСС Новгород область комитети билан халқ депутатлари область Совети ижроия комитети оғир жудолик — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Шароф Рашидович Рашидовнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан сизнинг чуқур қайғунгизга ҳамдард бўлмоқдалар.

Коммунистик партия билан Совет давлатининг таниқли арбоби, Ўзбекистоннинг содиқ фарзанди ва рус халқининг биродари Шароф Рашидович Рашидовнинг вафоти муносабати билан Новгород области коммунистларининг, барча меҳнаткашларининг самимий таъзиясини қабул қилишни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетидан, марҳумнинг оиласидан илтимос қиламиз.

**КПСС Новгород область комитетининг биринчи секретари**
**Н. АНТОНОВ.**

### ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА

КПСС Чечен-Ингушия область комитети, Чечен-Ингушия АССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети, Чечен-Ингушия коммунистлари, барча меҳнаткашлари Коммунистик партия билан Совет давлатининг таниқли арбоби, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Шароф Рашидович Рашидовнинг бевақт вафоти муносабати билан қаттиқ қайғурадилар ва Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетига, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумига ва Министрлар Советига, республикангизнинг коммунистларига, барча меҳнаткашларига чуқур ҳамдардлик изҳор этадилар.

Шароф Рашидовичнинг бутун ҳаёт йўли, унинг коммунистик бунёдкорлик программасини амалга ошириш соҳасидаги актив ижодий фаолияти ҳамиша биз учун коммунистик партия билан совет халқига сидқидилдан хизмат қилиш намунаси бўлиб қолади.

**КПСС Чечен-Ингушия область комитети**
**Чечен-Ингушия АССР Олий Совети Президиуми**
**Чечен-Ингушия АССР Министрлар Совети**

### ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА

КПСС Кабарда-Балқария область комитети, Кабарда-Балқария АССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Шароф Рашидович Рашидовнинг тўсатдан вафот этганлиги хусусида чуқур таъзия билдирадилар.

Коммунистик партия билан совет халқининг содиқ фарзанди Шароф Рашидович Рашидовнинг порлоқ хотираси Кабарда-Балқария коммунистларининг, барча меҳнаткашларининг дилида доимо сақланиб қолади.

**КПСС Кабарда-Балқария область комитети**
**Кабарда-Балқария АССР Олий Совети Президиуми**
**Кабарда-Балқария АССР Министрлар Совети**

### ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИГА, ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИГА

Биз, қўриқ Жиззах областининг коммунистлари, меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти лауреати, таниқли партия ва давлат арбоби, қалин дўстимиз Шароф Рашидович Рашидовнинг бевақт вафоти муносабати билан сидқидилдан ҳамдардлик изҳор этамиз.

Ўртоғимиз, қалби дарё ва дилкаш, сезгир ва хайрихоҳ, меҳрибон ва ғоят инсонпарвар одам ҳаётдан кўз юмди. Ўзбекистоннинг хўжалик, маданий қурилишда кейинги ўн йилликлардаги муваффақиятлари партия ва совет қурилишининг атоқли ташкилотчиси Шароф Рашидович Рашидовнинг номи билан чамбарчас боғланган. У Мирзачўлни ўзлаштириш ишига кўп куч-ғайрат сарфлади. Унинг партия ишига астойдил садоқат, ўзига ва бошқаларга нисбатан муросасиз талабчанлик, принципиаллик, одамларга ҳурмат билан қараш, сезгирлик ва диққат-эътиборлилик сингари ажойиб фазилатлари туфайли партияда ва халқ орасида қадр-қимматга, меҳр-муҳаббатга сазовор бўлди. Шароф Рашидовичнинг фикрлари, куч-ғайратлари КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди белгилаб берган иқтисодий, социал ва маданий тараққиётнинг катта-катта вазифаларини ҳал этишга қаратилган бир пайтда у ҳаётдан кўз юмди.

**Ўзбекистон Компартияси Жиззах область комитети**

### ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА

Сирдарё областининг коммунистлари, барча меҳнаткашлари Коммунистик партия билан Совет давлатининг таниқли арбоби, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти лауреати, совет ёзувчиси ва публицисти Шароф Рашидович Рашидовнинг бевақт вафоти муносабати билан чуқур қайғурадилар.

Коммунистик партия билан совет халқининг содиқ фарзанди, оташин ватанпарвар ва интернационалист, Мирзачўлни ривожлантириш ва гуллатиб-яшнатишга жуда катта ҳисса қўшган инсон — Шароф Рашидович Рашидовнинг порлоқ хотирасини Сирдарё областининг меҳнаткашлари ҳамиша дилларида асрайдилар.

**Ўзбекистон Компартияси Сирдарё область комитети**
**Сирдарё область ижроия комитети**

### ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА

Ўзбекистон Компартияси Сурхондарё область комитети, халқ депутатлари область Совети ижроия комитети Коммунистик партия билан Совет давлатининг таниқли арбоби, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Шароф Рашидович Рашидовнинг тўсатдан вафот этганлиги хусусида Сурхондарё коммунистлари, барча меҳнаткашлари номидан астойдил ҳамдардлик изҳор этадилар.

Шароф Рашидович Рашидовнинг вафоти тўғрисидаги хабар қалбимизни оғир қайғуга солди. Энди орамизда Шароф Рашидович йўқлигига, ҳеч қачон унинг ёрқин даъваткор нутқини эшитмаслигимизга, унинг оталарча саховатли очиқ чеҳрасини кўрмаслигимизга, унинг сидқидилдан самимий қўл олиб кўришишини ҳис этмаслигимизга ишонмайсан киши. Область ишчилари, колхозчилари, зиёлилари оташин ватанпарвар ва интернационалист, уруш йилларида қўлига қурол олиб Ватаннинг шон-шарафи ва мустақиллигини ҳимоя қилган инсон, истеъдодли ёзувчи, ўзининг бутун қаҳрамонона ҳаётини, қудратли ташкилотчилик қобилиятини ва давлат манфаатларини кўзловчи ақл-заковатини меҳнат аҳлига, коммунистик идеалларга, улуғ социалистик Ватанимизга садоқат билан хизмат қилишга сарфлаган ўзбек халқининг шонли фарзанди — Шароф Рашидович Рашидовнинг хотирасини ҳеч қачон унутмайдилар. Республика партия ташкилотига қарийб чорак аср бошчилик қилган, сермазмун ва шонли ҳаёт йўлини босиб ўтган ленинча типдаги раҳбар ҳаётдан кўз юмди. Шароф Рашидовичнинг номи ҳаммамизга бениҳоя азиз ва мўътабардир. Унинг область ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантиришга қилган оталарча ғамхўрлиги ва доимий эътибори сурхондарёликлар хотирасида абадий сақланиб қолади. Сурхондарёда кейинги йилларда қилинган ҳамма энг салмоқли ишлар—экономика, фан, маданият ва халқ фаровонлигининг мислсиз равнақ топганлиги унутилмас Шароф Рашидович Рашидовнинг номи билан боғланган.

Совет халқининг содиқ фарзанди Шароф Рашидович Рашидовнинг порлоқ хотираси қалбларимизда доимо яшайверади.

**Ўзбекистон Компартияси Сурхондарё область комитети**
**Сурхондарё область ижроия комитети**

